O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 20 сентябрь, № 185 (4084) Чоршанба

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"нинг марказий павильонида "Телекоммуникация ва технологиялар — InfoComExpo-2006" деб номланган 7-халқаро кўргазма иш бошлади. Унда дунёнинг 20 давлатидан 400 дан зиёд фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазма — шартномага ИМКОНИЯТ

Маълумки, ҳозирги пайтда қайси замонавий соҳа ёки тармоқни олмайлик — у саноат ёхуд қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш тизими бўладими — буларнинг барчаси тараққиёти негизида, аввалambor, телекоммуникация ва ахборот технологиялари турганини англаш қийин эмас. Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ана шу ўта муҳим ва стратегик соҳани жаҳон андозалари ва талабларига мос равишда тезкор суръатлар билан ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Муҳими, саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир.

Ташкил этилган мазкур кўргазманинг асосий мақсади эса мамлакатимиз бозорига етакчи фирма ва компаниялар маҳсулотларини ҳамда соҳага хорижий сармоядорларни жалб этишдан иборатдир.

— Қарийб ўн йилдан буён Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаяпмиз, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири — "Teleset Alfa" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори И. Сим. — Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасига оид ушбу кўргазма эса Тошкентда еттинчи бор ўтказилмоқда. Бироқ, очиқ айтиш керак, бу галгиси маҳсулотлар ранг-баранглиги ва ўта замонавийлиги билан эътиборга молик. Биз унда қўшма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган «Dolphin» русумли компьютер, бутловчи жиҳозлар ва бошқа технологик асбоб-ускуналаримиз билан иштирок этаяпмиз.

Кўргазма давомида нафақат маҳсулотларимизни намойиш этиш, балки ҳамкорлар билан олдисотди шартномаларини имзолаш имконияти мавжудлиги биз учун айни муддаодир.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Сенатида

Олий Мажлис Сенатида БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси бўйича тингланган Ўзбекистон Республикасининг иккинчи ва учинчи даврий маърузалари якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

КОНВЕНЦИЯ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди. Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, сиёсий партиялар, вазирлик ва идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Мамлакатимиз Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга 1995 йилнинг 6 майида қўшилган. Ўзбекистон Республикасининг Конвенциянинг асосий қоидаларини бажариш тўғрисидаги дастлабки маърузаси БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитасининг 2001 йил 25 ва 30 январда бўлиб ўтган 24 сессиясининг 500, 501 ва 507- мажлисларида тингланган эди. Мамлакатимизда БМТ мазкур қўмитасининг хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги тавсияларини тарғиб қилиш юзасидан ишлар изчил давом эттирилгани қайд қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастуридаги аёллар, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш юзасидан халқаро ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишга оид кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари каби меъёрий ҳужжатлар хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий манфаатларини муҳофаза қилишни янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Иномова иштирок этди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Тадбир

Шу йилнинг 5-7 октябрь кунлари Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида "Молиявий хизматлар-2006" ва "INFO-BUSINESS" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтади.

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР НАМОЙИШИ

Ушбу тадбир республика Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Лизинг берувчилар ассоциацияси, "Avesta Investment Group" ёпиқ акциядорлик жамияти ва "ЗАКОВАТ" тадбиркорликни ахборот орқали қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Кўргазма олдидан пойтахтимиздаги "Ле Гранд Плаза" меҳмонхонасида матбуот анжумани ўтказилди. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, "Молиявий хизматлар-2006" ва "INFO-BUSINESS" халқаро кўргазмалари банк ва молиявий хизматлар фаолияти доирасини янада кенгайтиришда амалий ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес субъектлари ҳамда молиявий институтлар ўртасида узвий алоқа ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, тадбир давомида иштирокчилар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини, хизмат кўрсатиш соҳасидаги янгиликларни кенг оммага тарғиб қилиш ва янгидан-янги ҳамкорлар орттириш имкониятига эга бўладилар. Шу боис ҳам ҳозирданоқ бир қанча банклар, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта, консалтинг ва аудиторлик компаниялари, реклама агентликлари унда қатнашиш истагини билдиришмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга ташкилотчилар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

САНОАТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Бугун Ўзбекистонни бутун дунёда нафақат ноёб меъморий обидаларга бой ва пахта етиштирувчи мамлакат, балки иқтисодиёти энг илғор технологиялар асосида жадал ривожланаётган давлат сифатида ҳам яхши билишади. Республикамизнинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти улкан ва у муттасил ўсиб бормоқда. Ўзбекистонлик олимларнинг қўлга киритаётган ютуқлари янги, илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш имконини бермоқда. Бундай корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб катта. Иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган, Ўзбекистонда кучли бозор иқтисодиётини шакллантириш, жумладан, саноат ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган изчил сиёсатнинг амалий натижасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саноатнинг илгари тақчил бўлган хомашёга эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати ва "Ingichki Metals" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг янги маҳсулот – шеелит концентратини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу қувончли воқеа Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида рўй бергани эса рамзий маънога эга.

Шеелит концентрати — вольфрам ва унинг қотишмаларини олишда фойдаланиладиган хомашё ҳисобланади. Бу маҳсулот "Ингичка" конининг техноген чиқиндиларидан олинган бўлиб, "Ingichki Metals" қўшма корхонасининг асосий таъсисчилари — Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Россиянинг "Integra Mining" компанияси мутахассислари томонидан яратилган технология асосида қайта ишланмоқда.

Мазкур концентрат Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатига етказиб берилади ва бунинг натижасида комбинатда маҳаллий маҳсулот негизида вольфрам ишлаб чиқаришни қайта тиклаш имкони юзага келади.

Муаммонинг стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб, Навоий кон-металлургия комбинати ва "Ingichki Metals" қўшма корхонасининг ташаббуси билан Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 2006-2007 йилларда ойига 30-40 тонна ҳажмида, кейинчалик эса камида 100 тонна маҳсулотни имтиёзли нархларда олади.

Ингичка қишлоғида бу концентратни олиш учун шу ердаги фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикасининг йиғилиб қолган чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича қувватлар ташкил этилмоқда.

Қўшма корхона мутахассислари ишлаб чиққан илғор технология таркибида 80-83 фоиз вольфрам уч оксиди бўлган, сифат жиҳатидан тоза ва ноёб концентрат олиш имконини беради. Айни пайтда дунёдаги энг сифатли концентрат таркибида ҳам вольфрам уч оксиди 65 фоиздан ошмайди. Бу борада Ўзбекистон ва Россия олимлари, технолог-мутахассисларининг хизматлари катта эканини эътироф этмоқ лозим. Уларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари ушбу вазифани уддалаш ва кутилган самарага эришиш имконини берди.

"Ingichki Metals" қўшма корхонасининг Россия томонидан директори Антон Канцель ЎзА мухбири билан суҳбатда янги маҳсулотга жаҳон бозорида катта қизиқиш билдирилаётгани ва Ўзбекистон саноати жадал тараққий этаётгани, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатнинг техник ҳамда илмий салоҳияти тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этди.

(Давоми 4-бетда).

Воқеа арафасида

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида "Ҳимоя ва қутқарув – 2006" Марказий Осиё Халқаро кўргазмаси олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Айтиш керакки, ушбу кўргазма юртимизда биринчи бор ўтказилаётган йирик тадбирлардан бири бўлиб, фавқулодда вазиятларда қутқарув ҳизмати учун керак бўладиган асосий воситаларни намойиш этишга мўлжалланган.

Кўргазма ҳарбий-техника борасида хорижий давлатлар билан ташқи савдо алоқаларини олиб борувчи "Ўзмахсусимпекс" давлат ташкилоти кўмагида ўтказилмоқда.

Фавқулодда қалтис вазиятларнинг олдини олиш, хавф олдидан огоҳлантириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш каби вазифаларни кучли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Энг сўнгги замонавий техника ва алоқа воситаларининг намойиш этилиши эса соҳа мутахассисларининг амалий тажрибаси янада ортишига имкон беради.

Кўргазмадан авария, қидирув-қутқарув, ёнғинга қарши, фавқулодда вазиятларда асқотадиган телекоммуникация воситалари, махсус транспорт ва юк машиналари ҳамда бошқа зарурий технологиялардан намуналар жой олади.

Мазкур кўргазмада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ, Марказий Осиё минтақаси, шунингдек, Европа мамлакатлари, юртимиздаги давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этади. У 26-28 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Элчихонанинг мактабга туҳфаси

Янги ўқув йили Наманган шаҳридаги 48-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун қувончли келди. Россия Федерациясининг республикамиздаги элчихонаси ўқув даргоҳида компьютер билан жиҳозланган кинозал ва Москвадаги «Дрофа» нашриётида чоп этилган дарсликлар туркумини совға қилди.

Педагогик жамоа таълим сифатини ошириш борасидаги ютуқлари билан элчихона эътиборига тушган. Битирувчи синф ўқувчиси Татьяна Волостнова ўтган йили Ҳамдўстлик мамлакатларининг халқаро олимпиадасида фахрли ўринни эгаллади. Мактаб жамоаси вилоятдаги рус миллий маданият маркази ишида ҳам фаол иштирок этиб келади.

Элчихонанинг ўқув адабиётлари туркумидан иборат туҳфалари, шунингдек, Наманган Давлат университети, вилоят марказидаги тилларга ихтисослаштирилган иқтидорли болалар лицейи ва Поп туманидаги 67-мактаб жамоаларига ҳам топширилди.

Қ.НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонунчилик палатасида

Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган бир қатор қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

Фракция аъзолари дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Фракция йиғилиши

Айтиш жоизки, мазкур моддада никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш асослари кўрсатилган. Аммо, айрим номувофиқлик натижасида никоҳланувчи шахсларнинг манфаатлари тўла ҳимоя этилмай қоляпти. Шу боис киритилаётган ўзгартиш никоҳланувчи шахслардан бирининг таносил ёки ОИВ касаллиги борлигини бошқасидан яшириши ҳолатини никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилиши асослари қаторига қўшади.

Шунингдек, йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати тўғрисида"ги 222-II-сонли Қарорига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Мазкур ҳужжат, фракция аъзолари таъкидлаганидек, мамлакатимизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талаблар белгиланишини назарда тутади ҳамда истеъмолчилар хавфсизлигини таъминлайди.

З. АШУРОВА.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА:

УСТЮРТ ХАЗИНАСИ

Кеча ва бугун



Қинғир иш — келтирар ташвиш

ЎҒИТ ЎҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ



АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Имом Бухорий ҳадисларидан

Ислоҳот ва самара

РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК

қўллаб-қувватланаверади

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази директори F. ХОЛЖИГИТОВ билан суҳбат

— Ғолиб Облоқулович, маълумки, Президентимизнинг 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилган эди. Шундан сўнг мамлакатимизда рақобат ва монополиядан чиқариш сиёсатини олиб боришда қандай ўзгаришлар юз берди?

— Биласизми, қўмита қайта ташкил этилгунга қадар монополист корхоналарнинг молиявий ҳолати етарли таҳлил қилинмасдан, асосан нарх ва тарифларнинг шакллантирилиши ва қўлланилиши устидан назорат олиб борилган. Табиийки, бундай текширишлар кутилган натижани бермаган, аксинча, жарималар қўлланиши ҳисобига монополист корхоналарнинг молиявий аҳволи қийинлашган. Оқибатда бу нархларнинг ўсишига, айрим ҳолларда эса ҳисобот даврида корхоналарнинг зарар билан чиқишига сабаб бўлган.

Янги монополияга қарши давлат органининг тузилиши унинг фаолиятини кескин ўзгартириб юборди. Ушбу қўмитага монополияга қарши сиёсатни олиб бориш, ночор корхоналарни соғломлаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифалари топширилган. Шунга асосан, биз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, товар бозорларида корхоналар томонидан ўзининг устун мавқеини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш орқали рақобат муҳитини яратиш йўлида изчил иш олиб бораяпмиз.

— Монополлашган бозорларда рақобат принципларини қўллаш борасида қўмита томонидан қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Монополиядан чиқариш — бу рақобат муҳитини шакллантириш, рақобат муҳитини шакллантириш эса — тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига бозорда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари сонини ошириш, демакдир. Рақобатни ривожлантириш учун, албатта, кичик ва ҳусусий бизнес зарур восита ҳисобланади. Шунинг учун республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Кичик ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқларга барҳам бериш йўлларидан бири — уларни хомашё ресурслари билан таъминлашнинг бозор механизмларини йўлга қўйишдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги "Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида" ги 57-сонли қарорининг қабул қилиниши, мулкчилик шаклидан ва кичик-катталигидан қатъи назар, барча корхоналарга илгари чегараланган бозорларга эркин кириш, хомашё ва материалларни сотиб олиш имконини берди. Натижада 2005 йилнинг ўзида республика Товар-хомашё биржасида жами 591.6 млрд. сўмлик юқори ликвидли монопол ва бошқа маҳсулотлар сотилишига эришилди. Бу кўрсаткич 2004 йилдагига нисбатан 1,8 марта кўпдир.

Жорий йилнинг 1 ярим йиллигида эса республика Товар-хомашё биржаси орқали 500 млрд. сўмга якин юқори ликвидли монопол ва бошқа маҳсулотлар сотилган бўлса, 2006 йилнинг якунига келиб, бу кўрсаткич 1 трлн. сўмни ташкил этиши кўзда тутиляпти.

Бу борада қўмита томонидан амалга оширилган ишлар биржага қўйиладиган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмининг ошишига олиб келганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, 2006 йилдан бошлаб биржа савдоларига шифер, цемент, полиэтилен каби маҳсулотлар қўйила бошланди. Қўмита таклифига асосан, биржа савдоларида суюлтирилган газ ва шакар маҳсулотлари ҳажми ҳам оширилди. Шу билан бирга, ҳукуматимизнинг қарори монополист корхоналарга ўз маҳсулотларини бозор нархларида монополияга қарши қонунчиликни бузмасдан сотиш имкониятини яратди.

— Тадбиркорларни юқори ликвидли хомашё ва материаллар билан таъминлашда, Сизнингча, қўмитанинг тутган ўрни қандай?

— Қўмитамиз томонидан монополист корхоналар маҳсулотларининг биржа савдосига қўйилиши устидан доимий мониторинг олиб борилаётир. Бунда биржадаги нархларнинг сунъий оширилишига йўл қўймаслик учун маҳсулотларнинг бир меъёрда чиқаришга асосий эътибор қаратилмоқда. Шу сабабдан таъминотчи корхоналар, қўмита талабига кўра, маҳсулотларни биржага қўйиш графиги бўйича маълумотларни бизга тақдим этади. Қўмита эса маҳсулотларни биржага қўйиш графиги ҳамда биржага қўйилаётган маҳсулотлар номенклатураси бўйича ўрганиш ишларини олиб бораяпти. Масалан, илгари биржада айрим полиэтилен маҳсулотларини сотиб олиш муаммоси мавжуд эди. Ушбу маркадаги маҳсулотларга талаб кўп бўлса-да, унинг биржага кам ҳажмда қўйилиши бу ердаги нархларнинг кескин ошишига олиб келди. Қўмита томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида ана шу полиэтилендан ташқари суюлтирилган газ маҳсулотларини савдога қўйиш ҳажмлари ва турлари ҳам оширилди. Пировардида уларнинг нархлари туширилди. Булардан ташқари, қўмита таклифи билан биржа савдосига қўйиладиган маҳсулотларни кичик лотларда (партияларда) сотиш механизми жорий қилинди.

Фақат шугина эмас. Йил бошида цемент маҳсулоти биржа савдоларида фақат битта цемент заводи томонидан тақдим этилган бўлса, қўмита талабига кўра, монополист ҳисобланган яна бир корхона ҳам савдога жалб қилинди. Бугунги кунда эса биржа савдоларида 4 та цемент заводи иштирок этмоқда. Бу ҳол рақобатни шакллантириш ва таъминотчини танлаш эркинлиги ошишига шароит яратаётир.

— Рақобатни ҳимоялаш амалиёти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Монополияга қарши органларнинг рақобатни ҳимоялашдаги асосий таянчи монополияга қарши қонунчилик ҳисобланади. Шу маънода, "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонунни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: биринчиси – назорат ва тартибга солиш. Унда монополистик фаолиятни олиб бориш бўйича чекловлар ва қонунбузарлик учун жавобгарлик турлари белгиланган. Иккинчиси — кўмакловчилик. Бунда монополияга қарши органларнинг иқтисодий тузилмаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатлари кўрсатилган.

Ушбу Қонун доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарорига мувофиқ, қўмита томонидан монополияга қарши қонунчилик талаблари бузилиши бўйича ишлар кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилмоқда.

Хабарингиз бор, охирги вақтда товар белгилари эгалари томонидан айрим тадбиркорлар улардан ноқонуний фойдаланаётганликлари тўғрисида мурожаатлар кўплаб тушмоқда. Бундай инсофли рақобатга зид ҳолатларда "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси қўлланилмоқда. Чунки ушбу модда интеллектуал фаолият натижаларидан ноқонуний фойдаланиш орқали амалга оширилдиган ноҳалол рақобатни тақиқлайди. Бир мисол. Қўмитага бир тадбиркор Давлат патент идораси томонидан рўйхатдан ўтказилган товар белгиси туширилган идишларда йодланган тузни худди шунга ўхшатиб қадоқлаб, бошқа ишбилармон ҳам сотаётганлиги тўғрисида шикоят билан мурожаат қилди, дейлик. Одатда бировнинг товар белгисидан фойдаланиш истеъмолчиларга ишлаб чиқарувчи тўғрисида нотўғри маълумот беради ва товар белгиси эгасига маълум даражада зарар етказади. Шу боис ариза кўриб чиқилгандан сўнг товар белгисидан ноқонуний фойдаланаётган тадбиркорга кўрсатма юборилиб, яроқсиз тузнинг сотилиши тўхтатилди.

— Қўмита тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қандай ишларни бажармоқда?

— Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда асосий эътибор турли тўсиқлар — маъмурий, молиявий тўсиқларни бартараф этишга қаратилмоқда. Бу борада қўмита тадбиркорлик соҳасига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида фаол иштирок этиб, ўрганишлар натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритмоқда. Чунончи, тадбиркорлардан патент олиш билан боғлиқ молиявий юкни олиб ташлаш бўйича қўмитанинг таклифига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги "Патент тўловлари ва патент тўловлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 65-сонли қарори қабул қилиниб, тўловлар ҳажми 80 фоизгача туширилди. Бу нима дегани?

Агар илгари тадбиркор патент олиш учун 442 минг сўм тўлаши керак бўлса, қарор қабул қилингандан сўнг бу кўрсаткич 40 минг сўм этиб белгиланди. Патент тўловлари миқдорининг камайиши эса, ўз навбатида, маҳаллий товар белгилари сонининг ошишига олиб келади.

Бироқ ушбу қарор билан барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин, деб айта олмаймиз. Жумладан, унда тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати узоқ этиб белгиланган. Шу боис қўмита томонидан Давлат патент идорасига кўриб чиқиш ва рухсат бериш муддатларини қисқартириш бўйича ҳам таклифлар берилди.

Қўмитанинг таклифига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелдаги 154-Ф сонли фармойишига асосан, ҳозирги вақтда кадастр хизматлари тарифларини камайтириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Айни чоғда қўмитада лицензияланган фаолият турлари, рухсат бериш процедураларини қисқартириш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини соддалаштириш бўйича ҳам таклифлар тайёрланмоқда. Бунда асосий эътибор рақобат шароитларини яратиш, тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

— Рақобат қонунчилигини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам истеъмолчиларни қизиқтиради, албатта. Бу ҳусусда нималар дея оласиз?

— Давлат рақобат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида товар бозорларидаги монополлашув даражаси кескин пасайиб, монополист корхоналар сони сезиларли даражада камайди. Масалан, 1996 йилда 827 монополист корхона бўлиб, улар 4351 кўринишдаги маҳсулот ва хизматларни таклиф қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 241 тани ташкил этмоқда. Натижада маҳсулот ва хизматлар сони ҳам 178 тага камайди.

Муҳими, монополлигича қолган бозорлар ҳамда монополияга қарши қонунчиликни бузган субъектлар ҳаракатлари кескин ўзгарди. Шунинг учун хозирги кунда фақат монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришгина эмас, балки уни ҳимоя қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги Фармон ва қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига мўлжалланиб "Рақобатни ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Янги қонун лойиҳаси олдига қўйилган вазифалар нафақат рақобат муҳитини яратишни, балки товар бозорларидаги тузилмавий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон тажрибаси асосида монополияга қарши тартибга солиш самарадорлигини оширишни ҳам кўзда тутади. Ўзининг айрим жиҳатлари бўйича мазкур қонун лойиҳаси МДҲ мамлакатлари орасида энг либераллашган, десак муболаға бўлмайди.

Негаки, у икки асосий мақсадга йўналтирилган: биринчиси — монополистларнинг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишининг олдини олишни кўзда тутувчи тамоман янгича монополияга қарши тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган бўлса, иккинчиси — йирик корхоналарни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган.

Қонун қабул қилингач, ўйлаймизки, монополияга қарши қонунчиликда мукаммаллик таъминланади, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бозордаги муносабатларнинг барқарорлигига, инсофсиз рақобатдан самарали ҳимоя қилишга ҳамда товар ва молия бозорларида рақобатга қарши фаолиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишга эришилади.

«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

МАТТИАС МАЙЕР:

"ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГЕРМАНИЯСИ"

ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Маттиас Майер мамлакатимизга келганига кўп бўлгани йўқ. Қадди-қомати келишган, бўйининг баландлиги 2 метру 4 сантиметрни ташкил этувчи дипломат мусулмон давлатларида ишлаш борасида катта тажрибага эга.

— Аввало, мени илиқ ва самимий кутиб олган ўзбекистонликларга миннатдорлик изҳор этишни истар эдим, — деди жаноб Майер суҳбатимиз бошида. — Ростини айтсам, Ўзбекистон Президенти томонидан бу қадар тез қабул қилинаман деб ўйламаган эдим. Ислом Каримов жанобларига ишонч ёрлиқларини мамлакатингизга келганимнинг учинчи куниёқ топширишга муваффақ бўлдим. Бу мен учун катта шараф ҳамда Ўзбекистон Германия билан яқин муносабатларда бўлиш тарафдори эканининг белгисидир.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Президенти мамлакат ва минтақадаги вазият борасидаги қарашларини сўзлаб берди, Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўллари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Суҳбатимиз анча узоқ давом этгани мен учун яна бир яхшилик аломати бўлди. Юртингиздаги фаолиятим мана шундай самимий суҳбатлардан бошланаётганидан мамнунман.

— Ўзбекистон билан Германия азалий ҳамкорлардир. Шу ўринда алоқаларимиздаги, айниқса, истиқболли соҳалар борасидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Келинг, бу мавзуни Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг тарихидан бошласак. Юртингизда узоқ йиллардан буён кўплаб немис милларатига мансуб инсонлар истиқомат қилиб келади. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда уларнинг бир неча авлоди ўсиб-улғайди. Бир вақтлар улар ўзбек халқи томонидан илиқ қабул қилинган. Германияга кўчиб кетганлари эса немис жамиятига ўзбек халқининг урф-одатлари, дунёқарашини олиб кирди. Бу каби тарихий алоқалар икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг асосини ташкил этади.

Мен Ўзбекистонда илк маротаба 1993 йили ГФРнинг Тошкентдаги элчихонаси энди-энди фаолият бошлаган кезларда бўлганман. Ўшанда биз жуда муҳим ташрифни тайёрлаган эдик. Делегация билан бирга мен Бухоро ва Самарқандга боргандим. Орадан ўн уч йил ўтгач, бу ерга келиб, мамлакатингиз тараққиётда улкан қадам ташлаганининг гувоҳи бўлдим.

Давлатларимизда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Ўтган шанба куни биз бу масалани юртингизга келган ва Ўзбекистон ҳукумати аъзолари билан учрашган Германия парламентининг делегацияси вакиллари билан муҳокама қилдик.

Айни пайтда Ўзбекистонда Германия иштирокида кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улар тадбиркорларга кредитлар ажратиш ҳамда Германия томонининг Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш жараёнида иштирок этишини назарда тутади. Шу ўринда мамлакатингизда юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг жуда самарали тизими яратилганини қайд этишни истардим.

Ўзбекистонни мен ҳамиша Германияга ўхшатаман. Менинг юртим Европада қандай нуфузли ўринни эгалласа, Ўзбекистон ҳам Марказий Осиёда ана шундай етакчи ўринда. Шу маънода, Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг Германияси, десак муболаға бўлмайди, деб ўйлайман. Аминманки, биз биргаликда келажакда улкан натижаларни қўлга киритамиз.

— Тошкентга элчи этиб тайинланишдан аввал сиз кўп йиллар мобайнида Иорданияда, Суданда, қўшни Тожикистонда фаолият юритгансиз. Шу боис ўқувчиларимиз Марказий Осиё минтақасида хавфсизликка бўлган таҳдидлар хусусидаги фикрларингиз билан қизиқиши табиий. Сизнингча, нега Ғарб ҳамжамиятида уларнинг хавфини тўғри баҳолай билмаяптилар?

— Германия аҳолисининг аксарияти Ўзбекистондан фарқли равишда насроний-лик динига мансублиги боис баъзи жараёнлар, воқеаларга нисбатан жамиятда ўзгача ёндашув мавжуд. Лекин шу билан бир қаторда биз дин ортига яширинаётган террорчилар ва экстремистлардан келаётган таҳдидлар секин-аста бизнинг остонамизга ҳам яқинлашиб келаётганини англаб етмоқдамиз. Бу 11 сентябрь воқеаларидан кейин, айниқса, яққол намоён бўлди. Шу боис Германияда мазкур масалага нисбатан аввалгидан кўра анча жиддий ёндашув мавжуд бўлиб, бу борада бошқа мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқчимиз.

Биз узоқ вақт мобайнида террорчилик паноҳ топиб келган Афғонистон билан чегарадош бўлишнинг машаққатларини яхши тушунамиз. Элчи сифатида холис ахборотни ўз раҳбариятим ҳамда ватандошларимга етказишга ҳаракат қиламан.

— Ўзбекистонда илгари ҳам бўлган экансиз. Мамлакатимиздаги қайси шаҳарлар сизга, айниқса, манзур бўлди? Уларнинг қай бирини биринчи галда зиёрат этишни хоҳлардингиз?

— Ўзбекистондаги ҳар бир шаҳарнинг ўзгача гўзаллиги, таровати бор. Аммо мен ҳар доим Бухоро билан яқинроқ танишишни орзу қилганман. Шу боис биринчи навбатда айнан уни зиёрат этмоқчиман. Шу ўринда, албатта, Самарқанд ҳам, Хива ҳам бетакрор гўзалликка эга шаҳарлар эканини таъкидлаб ўтиш даркор. Дарвоқе, яқинда қаердадир ўқиб қолдим: Хивадаги биринчи дорихонани немис миллатига мансуб одам очган экан. Қизиғ-а?!

Бобур СОБИРОВ суҳбатлашди. "Жаҳон" АА.

Анжуман

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда яқинлашиб келаётган Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларнинг ташкил этилиши хусусида сўз борди.

Жамоатчилик кенгаши тузилди

Ҳозирда юртимизнинг барча масжид ва мадрасаларида Рамазони шарифга бағишланган жума маърузалари ўқилмоқда. Ифторлик маросимларини ихчам, исрофгарчиликка йўл қўймаган ҳолда ўтказиш ҳақида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Халқимизда кам таъминланган оилалар, қариялар ва "Меҳрибонлик уйлари"га хайр-эҳсон қилиш яхши анъанага айланган. Муборак Рамазон ойида бу эзгу амалларни янада кўпайтириш, жамоатчилик орасида мурувват, саховат туйғуларини камол топтириш Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Умра ва Ҳаж сафарлари хусусида маълумотлар берилди. Жорий йилнинг 28 август куни мамлакатимиз Президентининг Фармони билан Ҳаж ва Умра зиёратларини ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланадиган Жамоатчилик Кенгаши тузилди.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ғалла экилмоқда

Деҳқон ишни уруғни саралашу ерга ташлашдан бошлайди. Сурхондарёликлар бу йил ушбу тадбирни барвақт бошладилар. 95 минг гектар майдон 22565 тонна уруғликни экиш учун тайёрлаб қўйилди.

— Уруғликни тозалаб саралаш учун биз бу йил энг илғор технологиялардан фойдаланяпмиз, — дейди «Шўрчи дон маҳсулотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Баҳодир Бегматов. — Сифатсиз уруғлар аралашиб қолмаслиги учун икки-уч бор элакдан ўтказилди. Уруғ дориланди. Уни харидорга осон ва қулай усулларда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Деҳқон ҳам қараб тургани йўқ. Ғаллага ажратилган майдонларнинг деярли учдан бир қисми аллақачон экишга тайёр ҳолатга келтирилди. Қумқўрғондаги Сафар Бойматов номли, «Беш қаҳрамон» ширкат хўжаликларида эса дон сочилган майдонларга сув таралмоқда. Хуллас, 2007 йилда 236 минг тонна буғдой етиштиришни режалаштираётган вилоят ғаллакорлари ана шу ҳосилга ҳозирдан пухта замин яратишга киришдилар.

О.УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ишнинг кўзини билганлар

Шовот туманидаги "Уста Матсафо" фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Удабоев ҳақида гап кетганда, кўпчилик унга "Суяги меҳнатда қотган, ҳар ишнинг уддасидан чиқадиган инсон" дея таъриф беради.

1995 йилда фермер хўжалигини ташкил этган Ш. Удабоев 33 гектар майдонда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб келмоқда. Муҳими, шартнома режалари ортиғи билан адо этилаётир.

Айни кунларда хўжалик боғларида пишиб етилган сархил олмалар йиғиб олиниб, пешма-пеш қайта ишлаш корхоналарига жўнатилмоқда. Мавсумда фермер хўжалиги аъзолари 13 тонна мева етиштиришни режалаштирган.

Яна бир гап. Яқинда фермер хўжалиги раҳбари чорвачиликни йўлга қўйиш мақсадида 20 млн. сўм имтиёзли кредит олди. Ҳозирда эса молхона қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Ш. Удабоев олмазорда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Нукусда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари М.Т.Ерниязов бошқарган ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг Беруний туманидаги ижроси билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Таъкидландики, бу борада муайян ижобий ўзгаришларга эришилганини ҳолда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларга узил-кесил чек қўйилгани йўқ. Айрим ҳолларда режалаштирилмаган текширишлар ҳам ўтказилмоқда. Йиғилишда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, Фармон ижроси юзасидан мониторинг фаолиятини кучайтириш чоралари белгиланди.

Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев иштирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

Виждон юки

Буюк рус ёзувчиси Чеховнинг бир гапи бор: «Бировни танқид қилганда ўзингни генерал деб ҳис этасан. Сен, аввало, ўзингни танқид қилиб кўр-чи, қай ахволга тушар экансан». Бу гап ўзбекнинг «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга» деган нақлини эслатади. Камина мана, салкам эллик йилдирки, қалам тебратаман. Вазият тақозоси билан мақтовга нолойиқ кишиларни мақтадик, ўрни келганда бировларга озор ҳам бердик. Суйгулик онлар ҳам бўлди, бошимиздан синашта дамлар ҳам кечди. Бугун «пичоқ»ни ўзимга уриб кўрмоқчи бўлдим. Яъни ўзини зиёлиман, деб атагувчи ҳамкасбларим, ҳамфикрларим билан ғойибона бир мунозара қилишга жазм этдим.

Хўш, зиёли ким? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «зиёли» сўзига «билимли, маърифатли киши» деб қисқагина таъриф берилган. «Зиёли»нинг илдизи — зиё, яъни ёруғлик, нур. Демак, зиёли — эл-улус дилига нур элтувчи, шу йўл билан халқ дардини аритувчи киши. Ана шу мезондан келиб чиқиб, ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: "Гоҳо зиёлимиз дея ичимизда ғурурланиб қўямиз, лекин бу шарафли, юки зилдай оғир унвоннинг масъулиятини тўла ҳис эта олдикми? Баъзан ҳақиқий зиёлининг обрўсини тўкадиган амалларга ҳам қўл уриб қўймаяпмизми? Қани, бизнинг ўқимишли, дунё таниган оғаларимиз нима дер экан, дея бизга кўз тикиб ўтирган оддий меҳнаткашнинг ишончини, умидини оқлай олдикми? "Сир эмас, минг-минг йилдан бери қўли қадоқ халқимиз олиму шоир, мударрису мусаввирнинг тарози босадиган, мўътабар сўзига мунтазир бўлиб келган. Шоҳ Машраб бекорга «Муллалар илмига мағрур, раият ўз ғами» билан оворами?" дея ҳикоя қилмаган. Исёнкор шоирнинг киноясиз бизни сергакликка, мушоҳадага чорламайдими? Ўтмишга ва баъзан келажакка тийракроқ разм солишга ундамайдими?

Зиёли аҳлининг мақоми ҳақидаги ўйлар беихтиёр бир манзарани ёдимга солди. Жанубий вилоятлардан бирида чекка тумандаги бир қишлоқ йиғини олдида аёллар туришибди. Қишлоқ йиғини раиси, ёшгина йигит уларга изоҳ бермоқда. Юз қадамча нарида ўн чоғли эркак турибди. Биз уларга яқинлашдик. Танишдик. Билсак, улар қишлоқ зиёлилари экан. Бири ўқитувчи, бири дўхтир, яна бири муҳандис ва ҳоказо.

— Нега бир четда турибсизлар? — деб сўрадик.

— Биз аралашсак, тўғри келмайди, — дейди муаллимлардан бири, — туман ҳокими эшитса, балога қолишимиз мумкин.

Ана, қишлоқ зиёлисининг қиёфаси! «Ҳоким эшитса...» Бу қанақа гап? Ҳокимнинг шарпасидан қўрқиб, идорага яқинлашмай турган муаллим эртага синфга кириб, ўқувчиларининг кўзига қандай қарайди? Жонсарак, ғамгин савол юракни тимдалайди: атрофга лоқайд кимсаларни зиёли деб бўладими?

Мажлисларда бошини ердан кўтармай ўтирган илмли, оқсоч, энг муҳими, элда номи чиққан танишингизни кўриб, хаёлга чўмганмисиз? Гўё бошига бир кулфат тушгандек, ердан кўз узмай, оқ қоғозга турли чизиқлар чизиб, жимгина ўтирибди. Мажлисда эса, паст-баланд гап бўлаяпти. Ҳозир менинг танишим ҳам сўзга чиқади, деб кутасиз. Афсус, у қимир этмайди. Минбарга чақириб қолишмасин, деб калласини пастроқ эгади. Агарда гапирса, халқ дардини тепадаги амалдорга етказарди, эл-юрт дуосини оларди. Ахир шу эл-юрт туфайли у мана шундай мўътабар йиғилишда ўтирибди-ку? Минг афсуски, гапиролмайди, гапирмайди. Негаки, унга ҳозир халқ ғамидан кўра бугунги ҳаёти ширинроқ туюлади. Ҳайбатли кабинет, дала ҳовли, турли имтиёзлардан айрилгиси келмайди. Унга қизи, ўғли, куёвининг қўша-қўша дўконлари, фирмалари афзалроқ кўринади. Шунинг учун у мум тишлайди, ичида азобланиб, ич-этини еб бўлса-да, тишини тишига қўяди. Бу одамни зиёли дейишга тилингиз борадими?

Ушбу сатрларни битиб ўтирар эканман, эшик тақиллади, почтачи газета ташлаб кетди. Дарров қаламни бир четга қўйиб, газетага ёпишдим. Худди менинг сарсари ўйларимга жавоб бергандек, газетада мен ихлос қўйган ижодкорнинг мақоласи босилибди. Бир зарбда, ютоқиб ўқиб чиқдим. Муаллифнинг мана бу сўзлари малҳамдек далда бўлди: «Сукут сақлаш керак бўлган жойда сўз айтмоқ, сўзлаш керак ерда жим турмоқ мусурмончиликда ҳам қусур ҳисобланишини биламиз.

Билишга-ку, кўп нарсани биламиз, лекин... "Тўғри сўз туққанингга ёқмас" деган мақолимиз ҳам бор.

Ўзгадан тўғрисўзлик талаб қилган одам, аввало, ўзи тўғрисўз, дадил бўлиши керак. Мен бугун не изтироблар билан шу саволни ўзимга бераман: "Не қилайин, мен ҳам шу халқ, шу юрт, шу замон фарзандиман. Ўша истиҳола, журъатсизлик, андиша менда ҳам бор».

"Хом сут эмган банда" деганларидек, биров чопқир оти билан мақтанади, биров янги иморати билан, яна биров дунё кезиб орттирган лаш-лушларини кўз-кўз қилади. Аммо... ўзининг жоҳиллигини пеш қилиб ғурурланган кимсани эшитганмисиз? Таассуфки, гоҳо шунақаси ҳам бўлар экан.

Тошкентда янги кутубхона қурилиши муносабати билан шаҳар миқёсида катта йиғилиш бўлди. Унда бир мансабдор сўзга чиқиб, нима дебди денг?

— Одамлар нега «Китоб! Китоб!» деб жаврайверади, тушунмайман. Мана, мен йиллаб қўлимга китоб олмайман. Лекин бир ерим камайиб қолгани йўқ. Неча йилдирки, яхши ишларда ишлаб келаяпман. Так что, сабр қилинглар, вақти-соати билан библиотека ҳам қурилади, ана ундан кейин тўйгунча китоб ўқийверасизлар!

Бу амалдорнинг гапига нима дейиш мумкин? Унга Навоий бобонинг сўзлари билан «Киши бўлғайму бу нодон янглиғ» деб жавоб беришдан ўзга чора йўқ.

Гап айланиб, савод масаласига тақалган экан, санъаткорлар тўғрисида икки оғиз тўхталишни (нечанчи бор!) лозим топдим.

Қўшиқ айтиб, эл орасида танилиб қолган бир танишим бор. Бир куни у шеър кўтариб келди.

— Ака, мана бу шеърни қўшиқ қилмоқчи эдим, бир сўзи ёқмайроқ турибди.

— Қайси сўз? — деб қоғозга энгашдим.

— Мана бу. Шоир «авқот» дебди. Қўшиқда «овқат» деб айтсак, одамлар кулмайдими?

— Авқот, бу таом эмас, вақтлар, пайтлар, дегани, биродар, айтаверинг, — дедим.

— Барибир келишмайдида, ака, ўзгартириб беролмайсизми?

Қаранг, классик шоиримизнинг сўзини мен «тузатиб» беришим керак эмиш!

Ҳозир бир гапни иккиланмай бемалол айтишга журъат қиламан. Санъаткорларнинг аксар қисми китоб ўқимайди. Ҳатто кундалик газета-журналларни варақлаб қўйишни ҳам ўзларига эп кўрмайди. Ҳолбуки, улар ҳам ўзларини зиёли деб ҳисоблашади. Аммо Навоий, Фузулий, Машраб, Лутфий, Огаҳий, Нодира, Фурқат девонларини синчиклаб ўқиб бориш ва ғазалларининг мағзини чақишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Шунинг учун радио ва телеэкранда чучмал, бирибиридан саёз, бемаъни қўшиқлар «урчиб, болалаб» кетди. Бу, албатта, диднинг ўтмаслигидан, савиянинг пастлигидан, қисқаси, адабий саводнинг етишмаслигидан. Эҳтимол, бизнинг бу иддаомизни ҳам ўша «экран юлдузлари» ўқишмас, ўқишса ҳам парво қилмай, қўл силтаб кўя қолишар. Виждонларига ҳавола. Зеро, виждон юкини ҳар ким ҳар хил англайди: бировлар учун у тоғдай оғир, бировлар учун эса, пардай енгил бўлса, не ажаб?

Саъдулла СИЁЕВ.

Эътироф

Тоғлар бағридаги маскан

Гўзал водийнинг тоғ-ён бағирларида жойлашган "Чимён" сиҳатгоҳи ўзининг хушҳаво табиати билан барчага маълуму машҳур. Бу ерда даволаш, психотерапия, лазеротерапия, парафин-озокерит, фитотерапия ва парҳез таомлар ёрдамида мижозлар саломатлиги тикланиб, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар муҳайё қилинади.

— Бугунги кунда сиҳатгоҳда анча ўзгаришлар қилишга эришдик, — дейди бош ҳаким Карим Раҳмонов. — Моддий-техника базаси, тиббий хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланди, биномиз ҳам жаҳон андозалари талаблари даражасида қайта таъмирланди.

Дарҳақиқат, бу ерда сўнгги етти ой мобайнида уч ярим минг киши ўз саломатлигини тиклаб, дам олишга муваффақ бўлди. Республикамизнинг турли вилоятларидан келган кўплаб мижозларнинг сиҳатгоҳ маъмуриятига миннатдорлик изҳор қилишганига гувоҳ бўлиш мумкин. Албатта, бу ерда сидқидилдан фаолият кўрсатаётган шифокорлар Фурқат Сотқинов, Шаҳриддин Бобонов, Ляля Абаева, Насиба Эгамбердиеваларнинг ҳиссаси катта.

"Чимён"нинг афзалликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу ерга бир бора ташриф буюрган киши ортиқча таърифу тавсифларсиз сиҳатгоҳдаги қулай шароитлардан кўнгли тўлиб қайтиши, шубҳасиз.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.
Марғилон шаҳри.

СЎЗ СИЗГА, ГАЗЕТХОН

Мулоҳаза

Яқинда пойтахтдаги сиҳатгоҳлардан бирида дам олдим. Одатдагидек, эрталабки муолажага отлангандим, бир четда тик турган ўспириннинг салом бергани қулоғимга чалинди.

Кўрмаганнинг кўргани...ми?

Дарҳол ортимга ўгирилиб, алик олдим. Саломга алик олдим-у, кейин ўзим уялиб кетдим. Боиси, йигитча менга эмас, қўлидаги телефонга "салом" берган экан. У кўзимга кўзини лўқ қилиб, қўл телефонида гаплашарди.

Пашшадан фил ясашмас-у, бугунги кунда қўл телефони кўп ҳолларда зарурат юзасидан эмас, олифтагарчилик, мақтанчоқликка ишлатилаётганга ўхшайди. Айниқса, жамоатчилик орасида — касалхона, автобус, ўқиш ва иш жойларида кишиларга халақит бериб, баланд овозда гаплашиш, телефонда суҳбатлашиш маданиятини билмайдиганлар кўпайиб қолди. Тўғри, ривожланиш, қулайлик яхши нарса, лекин бу эрмак, мақтаниш ўрнида ишлатилса, чиройли бўлмас экан. Шунинг учун ҳам, айниқса, фарзандларимизни жамоат жойларида ўзини тутиш, телефонда суҳбатлашиш маданиятига риоя қилишга ўргатсак, "Кўрмаганнинг кўргани қурсин" деган ҳикматли сўзни ишлатишга ҳожат қолмасди.

Иноят НЕЪМАТОВ.
Тошкент шаҳри.

Ибрат

ҲУНАРНИНГ ТАГИ ЗАР

Марҳаматлик ака-ука Абдушукур ва Пўлатжонга темирчилик касби отаси Миркомил ака ва бобоси Муродил Усмоновлардан ўтган. Улар мактабдан бўш вақти бўлди, дегунча ота ёнидан жилмай, ҳунар сирларини пухта ўрганишди.

Бугун улар хусусий устахона очиб, бу ерда темир буюмлар — кетмон, белкурак, чопқи, ўроқ, теша, болта, карнай, пичоқ, тақа каби керакли асбобларни ясашмоқда.

— Темирчилик ҳунари ўзининг қадимий тарихига эга, — дейди П.Муродилов. — Отабобомиздан мерос қолган бу касбни биз, фарзандлар қўлимиздан келганича такомиллаштириб, янгиликлар яратишга интилиб келмоқдамиз.

"Ҳунарли хор бўлмас" деганларидек, бу йигитлар ҳозир эл орасида ўзига яраша обрў ва ҳурматга эга. Одамлар уларни қўли гул уста дея ҳавас-ла тилга олишади. Истагим, юртимизда шундай интилувчан, ҳунарли ёшлар кўпайсин.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.
Марҳамат тумани.

Миннатдорлик

Ҳақ жойида қарор топди



Яқинда таҳририятга шикоят билан мурожаат қилгандим. Боиси, Ромитан туманидаги 20-трестга қарашли 9-сонли ПМК раҳбарияти билан ўзаро шартнома имзолаб, унга кўра, корхонага керакли бўлган маҳсулотни етказиб бергандим. Бироқ ҳисоб-китобга келганда, корхона раҳбарияти ҳар хил баҳоналар билан менга тегишли бўлган маблағни тўлашдан бўйин товлади. Таҳририятга қилган мурожаатимдан сўнг эса ҳақиқат қарор топди. Таҳририят ҳамда вилоят хўжалик суди ва шахсан судья Я. Азимовнинг беминнат ёрдами билан корхона маъмурияти қарзини қайтарди. Биздек тадбиркорларга ёрдам қўлини чўзган ҳар икки ташкилотга ўз ташаккуримни изҳор қиламан.

А.АЗИМОВ,
"Раҳмон-Искандар" хусусий фирмаси раҳбари.
Ромитан тумани.



Ажабо!

Мен 2004 йили туманимиздаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида 2-лойиҳада белгиланган ерга даъвогар сифатида қатнашиб, юқори балл тўпладим. Аммо масъулларнинг ноҳаклиги туфайли ерга ўзга биров эга чиқди. Бу ўша йил декабрда бўлган судда ўз исботини топиб, туман ҳокимлиги зиммасига қайта танлов ўтказиш мажбурияти юклатилди. Бироқ кейинги жараёнда ҳам ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш комиссияси раиси ва аъзолари қонунга зид равишда иш юритиб, мени танловда қатнаштирмадилар. Оқибатда бу қонунбузилишлар тўғрисида вилоят адлия бошқармаси томонидан тақдимнома киритилгач, танлов натижалари ҳамда туман ҳокимининг шу асосдаги қарори бекор қилиниб, комиссия котиби М.Нурниёзова ҳайфсан интизомий жазоси қўлланилди.

Шундан сўнг ҳақиқат қарор топади, деб ўйлагандим. Афсус, янглишган эканман. Танлов комиссияси менга билдирмаган ҳолда тендер ўтказиб, одатдагидек, бошқаларни ғолиб деб топган экан. Бу ҳақда вилоят адлия идорасига мурожаат қилгандим, жорий йил июль ойи бошида бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи О.Ўруновдан кўмак ўрнига ғалати бир жавоб олдим. Унда "Туман комиссияси томонидан 2006 йил 16 январда "Меҳмонбобо ва Гуллимомо" ҳамда "Тўхтаев Ёшузоқбобо" фермер хўжаликларидан қайтарилган ер майдонларида танлов ўтказилиши тўғрисида "Қоракўл садоси" рўзномасида эълон берилган... Сиз туман комиссиясига танловда иштирок этиш учун ариза билан мурожаат қилмагансиз" дейилганди. Бу гап мутлақо ёлғон! Сабаби, аввало, ҳафтада бир марта чиқадиган "Қоракўл садоси" газетаси 2006 йил 16 январь куни умуман нашр этилмаган. 12 ва 19 январда босилган сонларида эса юқорида номлари тилга олинган фермер хўжаликларидан қайтарилган ер майдонларида танлов ўтказилиши тўғрисида ҳеч қанақа эълон берилмаган. Бу фикримни газета муҳаррири Ғ.Қурбонов 24 июлда имзо чеккан 25-рақамли маълумотнома ҳам тасдиқлайди.

Модомики, шундай экан, О. Ўруновнинг менга ёлғон жавоб йўллаши шунчаки англашилмовчиликми ёки танлов комиссияси хатоларини хаспўшлашми?!.

Оймурод РУСТАМОВ.
Қоракўл тумани, "Янги замон" маҳалласи.

Таажжуб

КЕЙИН РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

1982 йили «Госкомводстрой»га қарашли 1-автосаройга директор пайтимда Андагин қишлоғида ёрдамчи хўжалик ташкил этгандик. 5 гектар ерда боғ, дам олиш маскани барпо бўлди. 500 тупдан зиёд терак ўтқазилди. Орадан икки йил ўтиб, ёрдамчи хўжалик Жиззах пластмасса заводи тасарруфига ўтди.

Кейинчалик бу ерга «Узбекзолото»нинг «Қизилқум» артели эгалик қилди. Бу орада мен «Андагин» кичик корхонаси ташкил этиб, ўша беш гектар ер, у ердаги мол-мулкни «Қизилқум» артелидан 197.820 сўмга сотиб олдим. 1994 йили корхонамиз фермер хўжалигига айланди. Ўзимга қадрли бўлган ер, боғ, теракзорларни парваришлаш, экин-тикин ишларига бош бўлдим. Давлат солиқлари вақтида тўланди.

Энди гапнинг бу ёғини эшитинг. 1998 йили «Фориш» ширкат хўжалиги ушбу майдонни хўжаликка қарашли, деб бошқа бировга ўн йилга ижарага бериб юборди. У эса ишни 500 туп теракни жадаллик билан кесиб, «ютишдан» бошлади. Мўмай даромад эвазига янги тураржой қурди. Хуллас, келишмовчиликлар, можаролар бошланди.

Кейинчалик аниқланишича, 1993 йилда Фориш тумани ҳокимининг «Узбекзолото»га қарашли бўлган мазкур ерни «Фориш» ширкат хўжалигига қайтариш ҳақидаги қарори чиққан экан. Қарорнинг бир бандида «Қурилишлар, иншоотлар, дарахтлар ва бошқалар давлат хўжалиги маъмурияти билан биргаликда қабул қилиш далолатномасига асосан топширилсин», дейилган. Аммо ҳеч қандай олди-берди, ҳисоб-китоб қилинмаган. Қарор ижросиз қолиб кетган.

1998 йилга келиб, «Фориш» ширкат хўжалиги ер ва мулкка эга чиқанининг, уларни мулкдорлар билан ҳисоблашмай ижарага бериб юборганининг ўзи кулгили. Янаям қизиғи, ўша пайтда хўжалик билан ижарачи ўртасида ҳеч қандай шартнома тузилмаган. Ҳужжатлар орадан яна 5 йилча ўтгач, иш судда кўрила бошлагач, расмийлаштирилган.

Буни қарангки, бизнинг фаолиятимизга айнан шу айбни юклашаяпти: «Андагин» жамоаси ердан фойдаланган пайтлари ширкат хўжалиги билан шартнома тузмаган. Аслида 80-йиллар бошида хўжалик балансидан чиқиб кетган ер учун 1-автосарой, Жиззах пластмасса заводи, «Қизилқум» артели билан ҳам шартнома тузилмаган. Аниқроғи, бундай тартиб-қоида йўлга қўйилмаган.

Кўриниб турибдики, «Фориш» ширкат хўжалиги раҳбарлари фақат бир томонни ўйлаб, ерни ижарага берган. Бўлмаса, туман ҳокимининг 2003 йил 30 сентябрдаги қарорининг 5-бандида «Туман ер ресурслари хизмати (Ф.Кубоев)га «Андагин» фермер хўжалигига тегишли 5 (беш) гектар ер майдонини рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин» дейилганидан бехабардек юришармиди?

Мени таажжублантирган нарса ҳеч ким можарони адолатли ҳал этишга чинакам киришмаяпти. Хулоса қилишга турли пайтларда тузилган ҳужжатлар асос бўлмоқда. Маҳаллий ҳокимият, ерга мутасаддилар ва ҳатто маъмурий идоралар ходимлари масалани жойида ўрганишга аҳамият беришмаяпти. Ахир қишлоқ фаоллари, оддий аҳоли «5 гектар давлат ери қайси йилларда кимнинг тасарруфида бўлган? Бу ҳудуд қандай обод бўлди? 2,5 километрлик тўсиқ кимнинг маблағи эвазига қурилди? Экинзорларни суғориш учун ҳовуз қандай яратилди? Тол оралиғидаги йўллар-чи?» деган саволларга аниқ жавоб беришади-ку! Қишлоққа электр энергиясини ҳам ўз маблағимиз эвазига келтирганимизни яхши билишади-ку...

Шукур АБДУВАҲОБОВ.
Фориш тумани.

Наҳотки!

Биз яшайдиган Дўстлик қўрғони ҳудудида ўтган йилнинг август ойидан буён бир муаммо ҳал қилинмай келиняпти. Ер ости суви кўтарилиб, уйлар, томорқаларимизни зах босди.

Ёрдамга муҳтожмиз

Туман мутасаддиларига мурожаат қилганимиздан сўнг келиб аҳволни ўрганишди, бироқ амалий ёрдам кўрсатилмади. Шу йил июль ойи бошларида эса сув сатҳи яна кўтарилиб, ҳалигача у қайтгани йўқ. Томорқалардаги дов-дарахтлар, сабзавоту ўсимликларнинг бари қуриб битди.

Уйларимизда яшашга ҳам кўрқиб қолдик. Деворлар нураб, томлар қулаб тушиши ҳеч гап эмас. Аҳвол кундан-кун ёмонлашиб бораётган бўлса-да, бирор ваколатли идора бизга ёрдам қўлини чўзмаяпти. Қишлоғимиздаги экологик вазиятни яхшилашда ёрдам кутиб қоламиз.

Абдуҳалил АБДУРАҲМОНОВ ва бошқалар.
Оҳангарон тумани.

Ҳолат

ЎЗГАРИШ СЕЗИЛМАЯПТИ

Биз, Собир Раҳимов тумани, Тошмуҳамедов кўчаси, 114-уйда яшовчи 29-АТСга қарашли телефон эгалари, алоқа тизимининг нобоплигидан чарчадик. Бирор ерга сим қоқишнинг иложи йўқ, негаки, алоқа ёмон. Ахир, биз ҳам оғиримизни енгил қилар деб уйимизга телефон аппаратини ўрнатганмиз. Абонент тўловини вақтида тўлаймиз-ку, хизматдан кўнглимиз тўлмай юраварамизми? Бу борада бир неча бор мутасаддиларга арз қилдик. Аммо алоқа яхшиланганича йўқ...

Моҳира НАРИМОВА.
Тошкент шаҳри.

Яхшироқ ёнади

Ёнғинга қарши кураш жамоасида ишлайдиган йигит қишлоқ хўжалиги институтига сиртдан ўқишга кирмоқчи бўлди.

— Сиз ўзи буғдой билан шолининг фарқига борасизми? — сўради ҳужжатларини қабул қилаётган ходим.

— Албатта-да, — дадил жавоб қилди ўт ўчирувчи. — Буғдойзорда шолипояга қараганда ёнғин чиқиш хавфи кўпроқ.

Ғамхўрлик

— Бозорга борганда ҳам нуқул ўзингизни ўйлайсиз-да, дадаси. Мен эсингизга ҳам келмайман, — нолиди хотин.

— Унақа дема, хотин. Полиз бошидаги капада ётганимдаям, бозорда қовун-тарвуз сотганимдаям, носвойни отиб хаёлга ботганимдаям сени ўйлайман. Агар сени ўйламасам, анави икки қути сода билан тўртта совунни кимга обкелдим? — юпатди эр.

Илҳом

Жинни бўлгани йўқ

— Кейинги пайтларда сал паришонхотирроқ бўлиб қолдим. Газга, чироққа, телефонга пул тўлаш эсимдан чиқиб қоляпти. Автобусга чиқсам, чипта олиш хаёлимдан кўтарилади.

— Унда ишхонангиз ғазнасидан машинангизни олиш ҳам эсингиздан чиқиб қолаётган бўлса керак?

— Йўғ-е, жа-а унчалик жинни бўлганим йўқ.

Оғриқ тиш

— Қайнонангиз оламдан ўтибдилар. Сиз учун катта йўқотиш бўптида-а?

— Вой, нимасини айтасиз, дугонажон, — деб чуқур хўрсинди келин. — Худди узоқ вақтдан бери оғриётган тишимни олдиргандай бўлдим-а...

Пора олган домла

— Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, пора олган одам уни берган кишининг кўзига умуман қарай олмас эмиш.

— Э-ҳа, шунинг учун ҳам айрим домлалар талабаларга эмас, доскага қараб маъруза ўқирканлар-да?..

Нафи ҳам бор

— Бўлди-да энди, хотин. Маърузани жа-а чўзвординг-ку? Фақат ёмон томонларини гапирасан ўзиям. Бу жониворни яхши тарафлари ҳам бор. Мана, масалан, ўшандан бўшаган шишаларни дўконга олиб бориб топшириб, рўзғорга нон-пон, совун-повун олиб турибсан...

Ҳабиб СИДДИҚ.
Андижон тумани.

Ҳурматли газетхон! *2007 йилда ҳам* **«Халқ сўзи»** *саҳифаларида ўз фикрларингиз мунтазам ёритилишини истасангиз, обунани барвақт расмийлаштириб қўйишни унутманг.*

САНОАТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ingichki Metals" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси 2005 йилнинг декабрида кон-металлургия ишлаб чиқаришининг техноген чиқиндилари — кон жинслари, фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикалари чиқиндиларини қайта ишлаш мақсадида тузилган эди. Шу тарика "Ингичка" конида 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида таркибида вольфрам бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш натижасида йиғилиб қолган Ингичка фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикаси чиқиндиларини қайта ишлашга киришилади. Бу чиқиндилар катта техноген кон ҳисобланади ва унда 10 минг тоннага яқин таркибида вольфрам бўлган асосий минерал — шеелит мавжуд.

Техноген чиқиндиларнинг шу ернинг ўзида қайта ишланиши 100-150 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради. Ингичка қишлоғида бундай янги ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши билан кўплаб ижтимоий муаммолар ҳам ҳал этилади.

Техник-иқтисодий асосга кўра, Ингичка қишлоғида қайта ишлаш корхонаси қурилиши 2007 йилнинг биринчи чорагида бошланади ва ўша йилнинг охирида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона, ушбу режалар амалга ошгунича, жорий йилда 65000 тонна шеелит рудасини сотиб олди ва Ингичка фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикаси яқинидаги омборларга жойлаштирди. Бундан кўзланган мақсад ушбу рудани саралаб, кейинчалик уни хорижда харидоргир бўлган шеелит концентратига айлангунича бойитишдан иборат.

Қўшма корхона, шунингдек, шеелит концентратини экспорт қилиш орқали бизнесни ҳам ривожлантириш ниятида. Бу, ўз навбатида, валюта тушумини кўпайтиришни таъминлаши мумкин. Чунки 2004-2005 йилларда жаҳон бозорида ушбу маҳсулот нархи 3 баравар ошди.

Бироқ бу масалага ҳаёт ўзгартиришлар киритишни тақозо этди. Шу боис таъсисчилар якдиллик билан яқин йиллар ичида шеелит концентратини экспорт қилишдан воз кечиш ва уни Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатига имтиёзли нархда сотишга қарор қилди. Бундай ёндашув қўшма корхонанинг кутилган даромадини анча пасайтирса-да, унинг иштирокчиларига муаммога масъулият билан ёндашиш ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш имконини беради. Зеро, келажакни кўзлаб қилинган иш мўмай даромад кетидан қувишдан кўра яхши самара бериши, шубҳасиз.

Қўшма корхона ва унинг таъсисчилари ходимлари — Навоий, Учқудуқ, Ингичка, Тошкент ва Москванинг ёш мутахассислари, шунингдек, таниқли олимлар, металлургларнинг технологларнинг қабул қилинган мазкур қарорни амалга ошириш борасидаги ўзаро саъй-ҳаракатлари натижасида техник ҳамда ташкилий масалалардаги қийинчиликлар бартараф этилди, қисқа муддат ичида руданинг дастлабки синов партияси (2200 тонна) Навоий кон-металлургия комбинатининг Тошкент вилоятида жойлашган Чиғириқ фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикасига қайта ишлаш учун етказиб берилди. Бу ерда вольфрам маҳсулоти – штабиклар, симлар, турли қотишмалар тайёрлашда фойдаланиладиган шеелит концентратининг дастлабки тонналари ишлаб чиқарилди.

Айни пайтда қўшма корхона фабрикани техник қайта жиҳозлашга кўмаклашмоқда ва Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати эҳтиёжини таъминлайдиган концентратни мунтазам ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда қўшма корхона омборларга жойлаштирилган рудалар қайта ишланганидан сўнг "Ингичка" конидан таркибида вольфрам бўлган рудани қазиб олиш, сўнгра Ингичка фойдали қазилмаларни бойитиш фабрикасининг йиғилиб қолган чиқиндиларини қайта ишлашга киришишни режалаштирмоқда. Иккиламчи чиқиндилардан эса ғишт, шлакоблок, бетонит, гипс ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу ҳам қўшимча иш ўринлари ташкил этиш имкониятини яратади.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ўз вольфрамини ишлаб чиқаради, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати эса фаолиятини давом эттириб, ўз соҳасида пешқадамлик мавқеига яна эришади.

Келгусида "Ingichki Metals" қўшма корхонаси шеелит концентратини қазиб олишдан ташқари, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда, бошқа металларнинг техноген конларини ҳам қайта ишлашга киришади.

Бу Ватанимизнинг янада равнақ топиши ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг яна бир ёрқин самарасидир.

Мазкур ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида янги қадам бўлди. Бу улкан ишнинг ташкилотчилари ва қатнашчиларининг хизматлари муносиб баҳоланди. Уларга Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан миннатдорлик билдирилди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

КОРПОРАЦИЯ

	КОРПОРАЦИЯ 500	КОРПОРАЦИЯ 1000
АБОНЕНТ ТЎЛОВИ, ОЙИГА $	12	24
ИМТИЁЗЛИ ДАҚИҚАЛАР, ОЙИГА	500	1000
ЧИҚУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН		
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,04	$0,03
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,02	$0,02
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,01	$0,01
КИРУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН		
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,04	$0,03
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,00	$0,00
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,00	$0,00

ИЗОҲ:
- Таклиф фақат 5 ва ундан ортиқ МТС-Ўзбекистон тармоғида актив рақамларга эга бўлган юридик шахслар учун ҳақиқийдир.
- Ой мобайнида ишлатилмаган тариф режасига мувофиқ, имтиёзли дақиқалар кейинги ойга ўтмайди.

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 32 янги база станцияси Тошкент шаҳрида, шунингдек, Тошкент (Пскент, Дангир, Шўрлисой, Олмалик), Самарқанд (Оқтош, Мирбозор, Челак, Ибн Сино, Гус, Оллаёр Қудуқ), Навоий (Навоий, Хазара, Кармана), Андижон (Қорасув), Хоразм (Янгибозор, Янгияп, Бўйрачи) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (Нукус, Олтинкўл, Шохомон, Қиличбой, Қипчоқ, Озот, Беруний, Сарибий) ишга туширилди.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН

МТС

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА

тайёрлов курслари ташкил этилган бўлиб, унинг дастурларига ўрта мактаб, лицей ва коллежларнинг битирувчи синфларида таҳсил олаётган ўқувчилар ва ўрта маълумотга эга шахсларни тарих, чет тиллари (инглиз, немис, француз ва шарқ тиллари), маънавият ва маърифат, она тили ва адабиёт, математика, физика фанларидан давлат тест синовларига тайёрлаш киради.

Тайёрлов курслари тингловчиларни университет ўқув-услубий кенгаши тасдиқлаган ўқув-режа ва дастур асосида таълимнинг давлат стандартлари даражасида тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 9 ой.

Бинобарин, ўтган йилги тайёрлов курсларининг 80 фоиз тингловчилари олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари бўлиш шарафига муяссар бўлдилар.

Тайёрлов курсларида ўқиш 2006 йилнинг 2 октябридан бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: 144-95-97, 144-00-56.

JAPAN
Official Development Assistance

Let's study in Japan!
Келинглар, Японияда ўқийлик !

JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2007-2008)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining Master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to play leadership role in the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels for the year 2007-2008.

1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY

(1) Degree: Master's degree (2-2.5 year courses)
(2) Fields of Study and Accepting Universities:
- Law : Nagoya University
- Public Administration : Kyushu University
- Economics : International University of Japan
- Business Administration : Waseda University
- Agriculture : Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology : Ritsumeikan University
- Education Administration : Hiroshima University
- Engineering : Toyohashi University of Technology

(3) Language of Instruction: English

2. QUALIFICATION REQUIREMENTS

(1) Nationality: Citizen of Uzbekistan
(2) Age: Between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2007.
For the field of study "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (including) as of April 1st, 2007.
(3) Work Experience (recorded in Workbook):
For more than 2 years (as of September 19, 2006) after getting a Bachelor's degree. For the study field "Business Administration", for more than 3 years (as of September 19th, 2006) after getting a Bachelor's degree.
(4) Academic Background: Holder of a Bachelor's degree. And for the following universities, there are specific requirements:
(a) NagoyaUniversity in field of study "Law" : it is preferable to have basic knowledge of Laws and to hold a Bachelor's degree in Law.
(b) Kyushu University in field of study "Public Administration" : it is preferable to hold a Bachelor's degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(c) Ritsumeikan University in field of study "Information and Communication Technology", it is preferable to have basic knowledge of ICT and to hold a Bachelor's degree in related field.
(5) English proficiency level: Minimum requirement must be either of following :
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 530
- TOEFL CBT (Computer-based) score 197
- TOEFL iBT (Internet-based) score 71

* Applicant who submits a photocopy of the valid official certificate of the score higher than either of above minimum score, obtained after November 24th, 2005 will be exempted from English language examination during the selection stages.

(6) Ineligibility:
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) Others:
- Applicant must be in good mental and physical health.
- JDS fellow will be required to attend preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months from April 2007 on full time basis prior to departure for Japan.
- The Government of Uzbekistan will ask the JDS fellow to sign and submit the "Statement of Obligations "(Contract) to follow the conditions deemed necessary as a scholarship fellow under the JDS project. If a fellow violates any article of his/her "Statement of Obligations" (Contract), the scholarship may be cancelled and other necessary steps will be taken. This "Statement of Obligations" (Contract) includes the article such as "Returned JDS fellow must remain in Uzbekistan and work at least for 2 years in the country."

3. APPLICATION PROCEDURES

➢ Applicant should submit the JDS Application Documents to JICE JDS Project Office.

➢ Application Form will be available at the places mentioned below. It will be available in Tashkent from September 19th, in other cities or provinces later on. Application Form can be downloaded from website http://www.jds.uz.

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30
   - 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, SadykAzimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
   - 54-55, Babur St., Tashkent
6. Major academic institutions in Tashkent
7. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
8. Karakalpakstan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 112A A. Temur St., Nukus
9. Andijan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 122 A. Navoii Shokh St., Andijan
10. Bukhara Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1A MustakillikSt., Bukhara
11. Djizzakh Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 63 Sh.Rashidov Shokh St., Djizzakh
12. Kashkadarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 3 MustakillikSt., Karshi
13. Navoi Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 33 Meymorlar St., Navoi
14. Namangan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 7 U. Nosir St., Namangan
15. Samarkand Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 148 M. UlugbekSt., Samamrkand
16. Surkhandarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1 F. Khodjaev St., Termez
17. Sirdarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 35 MustakillikSt., Gulistan
18. Tashkent Region Office of the Chamber of Commerce and Industry – 68 Lisunova - 4, Tashkent
19. Fergana Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 58 M. Kosimov St., Fergana
20. Khorezm Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 30 Al Khorazmiy St., Urgench
21. Ministry for Foreign Economic Relations, Investments and Trade (MFER) of the Republic of Karakalpakstan – 96 A, DustlikGuzari St., (Government House), Nukus
22. MFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
23. MFER of Bukhara region -1, Muminov St., Bukhara
24. MFER of Djizakh region – 63, S.Rashidov St., Djizak
25. MFER of Kashkadarya region – 2, MustakillikSt., Karshi
26. MFER of Namangan region – 3, B.MashrabaSt., Namangan
27. MFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
28. MFER of Samarkand region – 1, KukSaroi Sq., (Regional Khakimiyat building) Samarkand
29. MFER of Surkhandarya region – 1st floor, Khodjaev st., 7a, Termez
30. MFER of Sirdarya region – 1, AlleyaGeroyev St., Gulistan
31. MFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
32. MFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
33. Business Communications Center (BCC) in Tasheknt – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
34. BCC Samarkand city – 89A, Gagarin St.
35. BCC Khiva– 1, Jamoat Markazi St.
36. BCC Termez- 19, M.Kahhara St., 1st floor
37. BCC Fergana– 57, Tolstoy St.

4. APPLICATION DEADLINE: November 24th , 2006, 17:00

Applications missing above deadline shall not be accepted.
Applications must be submitted by hand, courier or post ONLY to JICE JDS Project Office in Tashkent.
1) Hand delivery, courier : 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30).
2) Post : P.O. Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office))

5. SELECTION PROCEDURES

1) First Selection (Documents screening):
- Submitted application forms will be examined and screened by professors of Japanese university.

2) Second Selection:
- English language examination IELTS will be implemented in Tashkent in January, 2007.
- Applicant will be required to take a basic mathematics examination as well in January, 2007.

3) Third Selection (Technical interview):
- Interview examination by professors of Japanese university will be implemented in Tashkent in February, 2007.
- Applicant must undergo the medical check-up at a designated hospital during this step.

4) Final Selection (Comprehensive interview):
- Comprehensive interview will be implemented in Tashkent in March, 2007.

6. INQUIRY

JICE JDS Office in Uzbekistan
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: (371)139-15-60/67 (Monday to Friday 9:30 to 12:30, 15:00 to17:00)
E-mail : jice@jds.uz
Website : http://www.jds.uz

Ифтихор

— Ўзбек йигитларининг ўз ҳисобларидан жуда ажойиб спорт кошонаси қурганликларига ҳавасим келди, — дейди юнон-рум кураши бўйича уч карра Олимпия ўйинлари, саккиз бора жаҳон чемпиони, юнон-рум кураши бўйича ХХ асрнинг энг яхши спортчиси, Россия давлат думасининг депутати, Россия қаҳрамони Александр Карелин. — Ўз юртини чин фарзандлик меҳри билан севган, наслнинг соғлом ва бақувват бўлишини истаган танти, мард одамларгина шундай улуғ ишларга қўл урадилар.

ФАРЗАНДЛАР СОҒЛОМ ЎССА...

Курраи замин паҳлавонларининг бирон тасига ён бермаган дев келбатли рус паҳлавонининг кўзларига ҳайратни муҳрлаган, уни ҳаяжонга солган ва ҳавасини келтирган нарса Европа меъморчилиги билан миллийлик уйғунлашиб кетган, ўхшаши йўқ спорт мажмуасидан ҳам кўра, ҳаётга катта умидлар билан қадам ташлаётган ёшларнинг Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишиш учун интилаётганлари, миллатнинг ори, ғурури бўлиб майдонга тушаётганликлари бўлди. Ҳиммати баланд тадбиркорларнинг истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, ҳавас қилса арзигулик бунёдкорлик ишлари билан шуғулланаётганлигини ўз кўзлари билан кўриш бўлди.

Инсоннинг нияти қилаётган ишларида бўй кўрсатади. Юртбошимизнинг юрт равнақига, миллат келажагига, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб улғайишига қаратаётган эътиборлари, айниқса, «Ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди, деб ҳисобловчи фидойи инсон, болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак» деган сўзлари ака-ука Мирзаали, Мақсудали, Адҳамжон, Ёрмуҳаммад, Муҳаммадалилар юрагига чўғ ташлади. Улар ўз маҳаллаларидаги қаровсиз қолган эски клуб биноси ўрнида маҳобатли спорт мажмуаси қуриш, унга маҳалла, Чўнгбоғиш қишлоғи, қолаверса, тумандаги юнон-рум курашига иштиёқманд болаларни жалб этиш орзуси билан нафас ола бошладилар.

Ака-укаларнинг падари бузруквори Турдали ака Мамажонов Избосканнинг илдизи чуқур кетган азим чинорларидан бири эди. Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган бу инсон эл ишига қайишимлилиги, савоб ишларга бошқош туриши билан ҳаммаларнинг ҳурматини қозонган, қалбларидан чуқур ўрин олган эди. Момохон ая беш ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ тараштан ташқари, уларнинг мурғак қалбига боши кўкка етган тақдирда ҳам элдан чиқмасликни, атрофдагиларга ҳамиша яхшилик улашиб яшаш ҳам бир бахт эканини сингдирган оқила она эди. Ёшлигидан ота-она дуоларини, ҳамқишлоқлари раҳматини олиб вояга етган фарзандлар мана, энди эл корига яраётир.

— Ўғилдир-қиздир хушхулқли бўлса, катталарни иззатлаб, кичикларга меҳрибонлик кўрсатса, ҳаммага хуш келадиган ишларни қилса, бу биргина ота-онанинг эмас, бутун қишлоқнинг, ўша музофотнинг бахти, — дея кўзларида шукроналик, миннатдорлик шуълалари ёлқинланади Т.Мамажонов номли маҳалла оқсоқоли Абдуманноб ака Қобуловнинг. — Турдали ака ўғилларининг ҳиммати туфайли уч юздан ортиқ бола спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди. Шунингдек, ака-укалар ўз ҳисобларидан энг замонавий спорт анжомлари олиб бердилар. Болаларни кийим-кечак билан таъминладилар. Бу ёғини сўрасангиз, устоз-мураббийларнинг ойлик иш ҳақлариям шу азаматларнинг зиммасида.

— Ўғлинг бўлса ўшаларга ўхшаса, — ҳайратини яширолмайди Турдали аканинг сафдоши Холжўра ота Ғозиев. — Отасига раҳмат! Уларни кўпдан кузатиб келаман. Қиладиган ишлари янги иморатлар қуриш, ободонлаштириш. Андижон шаҳрида жуда ажойиб кафе, Пойтуғда чойхона-ресторан, эҳҳе, маҳаллага газ, сув келтириш борми, ҳаммасига бош-қош. Вақти-вақти билан дадасининг яқинларини, аясининг тенгқурларини йўқлаб, уларнинг кўнглини овлашниям унутишмайди. Умрларидан барака топсин.

Ака-укалар меҳри тафтидан яралган мажмуа, айтиш мумкинки, қўшни мамлакатлар, Россия спортчиларини, устоз-мураббийларни, қолаверса, юнон-рум кураши мухлисларининг бошини бир ерга жамлайдиган, бир-бирлари билан таништирадиган, куч ва маҳоратларига холис баҳо берадиган дўстлик, қардошлик кошонасига айланиб қолди. Мана, уч йилдирки, бу ерда нуфузли халқаро очиқ турнир мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ака-ука Мамажоновларнинг совринлари учун болалар ва ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича ўтказилаётган мазкур беллашувларда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари, республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва албатта, водий вилоятларидан келган юзлаб ёш полвонлар ғолиблик иштиёқида гиламга чиқмоқдалар. Ўзбекистон чемпионлари, Осиё биринчилиги мусобақалари қатнашчиларининг ушбу турнирда иштирок этиши, Олимпиада, жаҳон чемпионлари, сайёрамизнинг номдор курашчиларининг меҳмон сафида қатнашуви мусобақани катта спорт байрамига айлантирмоқда.

— Спорт миллат танламайди, — дейди машҳур курашчи Александр Карелин. — Аксинча, халқларни бир-бирига яқинлаштиради, тотувлик, ҳамжиҳатликка йўл очади. Билишимча, юртингизда бирон кун спорт мусобақаларисиз ўтмайди. Фарзандларининг камолини ўйлаган, йигит-қизлари жисмонан бардам, ақлан етук бўлишларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган юртдагина спортнинг оммавийлиги учун курашилади, унга кенг йўл очилади.

Мен жаҳон, Россия чемпионлари бўлган афсонавий спорт юлдузлари билан юртингизга меҳмон бўлиб келдим. Ортимиздан эргашаётган ёш шогирдларимизни ҳам бирга олиб келдик. Мақсад фақат беллашувларда ғолиб бўлиш эмас. Аксинча, халқларимиз ўртасидаги қардошлик, дўстликни янада мустаҳкамлаш. Спортда неки ютуқларга эришган бўлсак, ўша тажрибалардан ёшларни ҳам баҳраманд этишдир.

Туман ҳокими, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Илҳомжон Собиров мустақиллик туфайли мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам спортни ривожлантириш имкониятлари вужудга келганини, ака-ука Мамажоновларнинг ўз маҳалласида катта спорт иншоотини қуришлари спортимиз ривожига хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Ҳокимнинг сўзларида жон бор. Мажмуа очилганидан буён ўтган салкам уч йил мобайнида спорт осмонини порлоқ юлдуз бўлиб безашга умид уйғотадиган бир талай ёшлар кўзга ташланиб қолди. Мана, улар: Ҳасанбой Мамажонов 2005 йил юнон-рум кураши бўйича Жанубий Кореяда бўлиб ўтган беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Азизбек Мамажонов мамлакат биринчилиги учун Тошкент шаҳрида ўтказилган қизғин баҳсларда чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Мансурбек Давлатов ака-ука Мамажоновлар соврини учун бўлиб ўтган баҳсларда уларга тенг келадигани топилмади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Болалар ва ўсмирлар спорти клубининг раҳбари Адҳамжон Мамажонов шогирдларининг жуда қисқа вақт ичида бу каби натижаларга эришгани кўнгилларга ёруғлик солади, албатта.

— Андижон вакиллари бокс, стол тенниси, аёллар футболи, сузиш, енгил атлетикада мамлакат спортида пешқадамлик қилаётган экан, биз ҳам улар қаторидан ўрин оламиз, албатта, — ишонч билдиради вилоят эркин ва юнон-рум кураши ассоциациясининг президенти Мирзаали Мамажонов. — Бунинг учун барча имкониятларга эгамиз.

Андижоннинг сўлим, бетакрор гўшаси Избоскан ва, айниқса, Чўнгбоғиш қишлоғи уч кун давомида қалбларда бир умр муҳрланиб қоладиган учрашувлар, адоғи тугамайдиган дилкаш суҳбатлар ва албатта, жўшқин, шижоаткор беллашувлар билан нафас олди. Бу ерда юнон-рум кураши бўйича ўн вазн тоифасида мусобақалар бўлиб ўтди. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари, республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳридан ташриф буюрган полвонлар ўз маҳоратлари, иқтидор ва салоҳиятларини минг-минглаб мухлислар олдида намойиш қилдилар.

Ака-ука Мамажоновлар таъсис этган совринлар андижонлик Шоҳруҳ Иброҳимов, Иномжон Исоқов, Элмурод Қосимов, Ҳожи Мадаминов, самарқандлик Зафар Илёсов, Сирожиддин Бойиров, тошкентлик Фарҳод Қосимов, россиялик Данил Гуренков ва бошқаларга насиб этди.

Халқаро мусобақада иштирок этиш учун келганлар Андижоннинг диққатига сазовор жойларини ҳам бориб кўрдилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"LOK Kolor SINTEZ" ҚК
ишлаб чиқарувчи - завод
кенг ассортиментда тақдим этади
ЛАК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ
САНОАТ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН
ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР
(девор ва шифтлар учун)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР
(пропитка, грунтовка, бўёқ)
универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛИ
пол учун ЭМАЛЬ
томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ
АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР саноат ускуналари,
локомотив, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари,
йўл чизгилари учун БЎЁҚ
ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз)
ЛАКЛАР, ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар
учун грунтовка, шпатлевка)
Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёқ саноати учун
мўлжалланган яримфабрикат лак)
Ушбу маҳсулотларимизни бизнинг
КОРХОНА ДЎКОНИДАН завод нархида
сотиб олишингиз мумкин, манзилимиз:
Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22
КОРХОНА 200 л. бочкаларни (металл, пластмасса) сотиб олади.
Маълумот учун тел. 191-44-46.
Ўзбекистон 700005, Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94 Факс: (998 71) 191-74-63
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ҒАЛЛАБАНК»
мижозларга 15 дан ортиқ жозибадор
омонат турларини жорий этган ҳолда,
«Пахта-2006» йиғим-терим мавсумида иштирок
этаётган ҳамюртларимизга юқори фоизли янги
«Oltin xirmon» ва «Saxovatli kuz»
қисқа муддатли омонат турларини
таклиф этади.

«Oltin xirmon» қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан 1 октябргача бўлган муддат давомида маблағларни 3 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.

«Saxovat1i kuz» қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан 11 октябргача бўлган муддат давомида маблағларни 4 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар икки ойда тўлаб борилади.

Омонатларнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган бўлиб, банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«ҒАЛЛАБАНК» омонатлари келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган
турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.
Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,
замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).
Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Ҳуқуқий чорраҳа

Охирги пайтларда уй олди-сотдиси билан боғлиқ низолар бирмунча кўпаймоқда. Айниқса, марказий шаҳарларда бошпанали бўлай деб тоғасининг, аммасининг номига уй сотиб олаётганлар бисёр. Ушбу ҳолат оқибатда кўпгина чигалликларни келтирмоқда. Сабаби, уйига "эга бўлган" тоға уни жиянига "осонгина" бергиси келмаяпти. Қарабсизки, қариндош-уруғлар ўртасидаги кўнгилхираликлар ўзаро судлашувларгача бормоқда.

ХИЗМАТГА ТУҲМАТМИ?

Ана шундай куйган жиянлардан бири — Умиджон Эрматов. У, юқорида айтилганидек, ўз уйини тоғасининг номига расмийлаштиради. Қадрдон тоғаси уй олди-сотдиси бўлгандан кейин жиянининг уйдан чиқишини талаб қилади. Чунки сотиб олинган уй энди тоғанинг номида-да! Хоҳласа хонадонни сотиши, хоҳласа ўзи яшаши мумкин. Тоғасига ишониб, йигит алданганини сезади. Андишага бориб, расмийлаштириш жараёнида тоғасидан тилхат олмаганлиги анча қимматга тушади. Энди минг афсуснинг ҳеч бир фойдаси йўқ. Ғишт қолипдан кўчган. Ноилож қолган йигит ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, судга мурожаат этади.

Бу каби ҳолатлар кўпчилигимизга таниш. Кимдир яқин қариндошидан, яна кимдир уй мулкдоридан шартнома тузиш жараёнида панд еган. Хўш, уй олди-сотдиси жараёнида бундай салбий оқибатларнинг келиб чиқмаслиги учун нима қилмоқ керак?

— Ҳозирда фуқаролик судларида кўрилаётган ишларнинг аксариятини уй олди-сотдиси билан боғлиқ низолар ташкил этади, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьяси Феруза Жалолова. — Кимдир сотиб олаётган уйини қариндошуруғи номига расмийлаштириб, кейин вазият ўзгаргач, сарсон-саргардонликда ҳақ-ҳуқуқини тиклашга уринади. Яна кимдир ўз уйини бировга ҳадя қилиб, сўнг шартномани қандай бекор қилишни билмай ноилож-ликда қолади. Ана шундай ҳолат юз бермаслиги учун кўчмас мулк олди-сотдиси битимини қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириш зарур.

Иш фаолиятимизда кўпинча сотиб олаётган уйини қариндоши ёки танишбилиши номига ўтказган фуқароларнинг даъво аризаси билан танишишга тўғри келади. Даъвогарларнинг мурожаатларини ўқиб, тўғриси, кўнглимиз оғрийди. Чунки бир лаҳзада ўзини хонадон эгаси, деб ҳисоблаган "мулкдор" осонлик билан келган бойликни қўлдан бергиси келмай қолади. Қарабсизки, қариндош-уруғчилик, яқинлик ришталари ҳам ўша лаҳзада барҳам топиб, улар бир умр бегонага, таъбир жоиз бўлса, юз кўрмасга айланишади.

Кейинги пайтларда фуқароларнинг уй олди-сотдиси билан боғлиқ чигал низоларнинг кўпайгани ҳақиқат. Айниқса, кўчмас мулк эгаси олувчига ўша хонадонда кимлар рўйхатда турганлигини очиқ-ойдин айтмай, олди-сотди шартномасини тузишмоқда. Ушбу ҳолат натижада олувчига рўйхатдан ўчмаган фуқаролар учун уй-жой-коммунал тўловларини тўлашда моддий қийинчилик туғдиради.

— Уй олди-сотдиси шартномасини расмийлаштириш жараёнида олувчи ҳушёр бўлиши керак, — дея сўзини давом эттиради Ф. Жалолова. — У уйнинг картасини, ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириб кўриши керак. Шунингдек, уйни сотиш жараёнида рўйхатда турганларнинг розилиги олинган тилхат ҳам тақдим қилиниши лозим. Акс ҳолда фуқаро кейинчалик сансалорликка тушиб қолиши мумкин.

Шу ўринда яна бир гап. Кўп ҳолларда кексалар, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар уйини ҳадя тариқасида бировга расмийлаштиради. Ҳадя қилувчига унинг ҳуқуқлари тўлиқ тушунтирилиши зарур.

— Мабодо, — дейди суҳбатдошимиз, — боқувчисини йўқотган ёлғиз қария муҳтожликда бўлса, бундай ҳолатда у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530-моддасида белгиланган тартибда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериши мумкин. Бунда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади. Бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. Мазкур шартнома Фуқаролик кодекси 110-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Мамлакатимизда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда уй олувчи ва сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароларнинг имкониятлари аниқ ёзиб қўйилган. Бу ҳужжатлар алдамаслик ва алданмаслик, умуман, яхши яшашимиз учун хизмат қилади. Қолаверса, улар нафақат уй-жой олди-сотдисида, балки бутун ҳаётимиз давомида асқотади. Цицерон айтганидек, одамлар қонунларни қанча кўп билсалар, шунча эркин яшайдилар.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Кейинги пайтларда теннисчиларимизнинг халқаро спорт майдонларида қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида кўп гапирилаяпти. Албатта, эришилаётган бундай муваффақиятлар замирида юртимизда мазкур спорт турига берилаётган эътибор ётибди. Қолаверса, Ўзбекистонда ҳар йили ташкиллаштириладиган нуфузли халқаро турнирлар, Осиё чемпионатлари ёш теннисчиларимиз учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтамоқда.

ЎЗБЕК ТЕННИСЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Куни кеча Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳам асосий совринли ўринлар юртдошларимизга насиб этди. Жумладан, қизлар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик Альбина Хабибулина финалгача бўлган беллашувларда қозоғистонлик Евгения Шушкова, Мая Моралбаева, россиялик Дарья Кульбикова ва яна бир ҳамюртимиз Александра Колесниченкони осонлик билан мағлубиятга учратди.

Финалда эса яқинда Чехияда якунланган жаҳон чемпионати иштирокчиси, қирғизистонлик Бермет Дуванаевани 6/2, 6/2 ҳисобида енгиб, ғолибликни қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳслар ҳам қизғин курашларга бой бўлди. Ўзбек теннисининг келажаги, деб эътироф этилаётган Важа Узоқов бу сафар ҳам юқори спорт формасида эканлигини исботлади. У шоҳсупагача бўлган йўлларда қозоғистонлик Дмитрий Реснянский, ўзбекистонлик Дилшод Саидмуҳаммедов, Игор Шелякин ва турнирнинг биринчи рақамли ракеткачиси Рифат Биктяковлар устидан ғалаба қозонди.

Финал беллашувида у яна бир ўзбекистонлик теннисчи Андрей Болдиревга қарши кортга чиқди. Мусобақа 2/6, 6/4, 7/6 ҳисобида Важа Узоқов фойдасига ҳал бўлди.

Ўғил болалар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида ҳам ғолиблик вакилларимиз Рифат Биктяков ва Темур Комиловларга насиб этди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб очилган «СОВFA» ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТИГА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

Сақлаш муддати — 90 кун.

Омонат бўйича фоиз ставкаси — йиллик 24%.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ 2006 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРДАН 5 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Омонатнинг минимал суммаси — 300.000 сўм. Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.

Ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишонганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотлар учун 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлим/филиалига мурожаат қилинг.
www.nbu.com

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН.

ХАЛҚ БАНКИ

мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий қилган ҳолда, пахта йиғим-теримида қатнашаётган ҳамюртларимизга янги

«ТАДБИР»

жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига пул маблағлари **3 ой** муддатга қўшимча бадал қабул қилиш ва йиллик **24 фоиз** миқдорида даромад тўлаш шарти билан камида **20 000 сўм** миқдорида банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади.

Оилангиз банки томонидан яратилаётган имконият ва қулайликлардан фойдаланинг!

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг темир йўл орқали сафарга бориш эҳтиёжларини қондириш, уларнинг йўлдаги вақтини қисқартириш, қулай шароитлар яратиш ва сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, шунингдек, темир йўлда сайёҳларни ташишни ривожлантириш мақсадида 2006 йил 14 сентябрдан бошлаб

«ТОШКЕНТ – БУХОРО – ТОШКЕНТ»

йўналиши бўйича юқори қулайликка эга бўлган янги 10/9-«SHARQ» экспресс-поезди ҳаракатлана бошлади.

Юқори қулайликка эга тезюрар «SHARQ» поезди биринчи ва иккинчи классли вагонлардан ва битта вагон-буфетдан иборат. Вагонлар юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Сафар давомида йўловчиларга чанқовбосди ичимликлар, енгил нонушталар таклиф этилади ва бошқа қўшимча сервис хизматлари кўрсатилади, шунингдек, улар видеофильмлар ва мусиқа клипларини томоша қилишлари мумкин.

«SHARQ» поездининг ҳаракатланиш жадвали

	Ҳаракатланиш кунлари	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
10 - Тошкент — Бухоро	ҳар куни	08.45	16.13
9 - Бухоро — Тошкент	ҳар куни	07.20	14.50

Маълумот учун Тошкентдаги телефон: 199-76-27.

Хизматлар лицензияланган.

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

«NG SERVICE» МЧЖ

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компаниялари сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

hp invent, APC, FUJITSU SIEMENS, LG, Canon, EPSON, XEROX, MASTER GUARD

NURON

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Ўзбекистон молия соҳасини ривожлантириш агентлиги директори Зафар Умаровга волидаи муҳтарамаси **МАШКУРА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқаро молиявий ва иқтисодий ривожланиш маркази жамоаси марказ директори Суннатулла Абдуллаевич Умаровга волидаи муҳтарамаси **МАШКУРА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 1 2 3 5 6